

«ДЕВОНУ ЛУГАТИ-Т-ТУРК»ДАГИ УЗИНДИЛАРДА ВАРИАЦИЯ ҲОДИСАСИ

EVENT VARIATIONS IN POEMS IN «DIVANI LUGATI-T-TURK»

ЯВЛЕНИЯ ВАРИАЦИЙ В СТИХОТВОРЕНИЯХ В «ДИВАНИ ЛУГАТИ-Т-ТЮРК»

Govhar RAHMATOVA

AL-BUKHARI UNIVERSITY,

doctor of philosophy PhD, teacher of the department of
Language-I

1, Sh. Rustaveli, Tashkent, 100120, Uzbekistan
gokki1990@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2022/3/7

Abstract. «Divani lugati-t-turk» by Makhmud Kashgari is one of the most valuable ancient sources containing samples of Turkic oral poetry that have survived to this day. We can divide the verses given in the work into more than a dozen groups according to the scope of the topic, such as verses about Warfare, wisdom, love, nature, fragments devoted to the description of the hunting, dastan, rituals and leaves. These themes, sung in the Turkic literary environment, developed differently depending on the vast region. Folklore patterns can be changeable, which means that they are not always in a stable state. Another aspect is that folklore is constantly adapting to changes in language. In particular, this can be seen by studying the various forms of units in dialects, considering on a parallel basis the linguistic analysis of some words in poetic passages and comparing variants of verbal units in sources.

The article examines textual differences, the phenomenon of variation found in the poems quoted in Divani lugati-t-turk. The emergence of variation in the oral folk art of the Turkic peoples is due to the use of variant words, phonetic differences in dialects ($\ddot{u} > i$, $a > \ddot{i}$, $\ddot{a} > e$, $e > y$, $d = \delta$), the exchange of one word or sentence for another.

The study shows that the oral creativity of the Turkic peoples reflects the phonetic differences in dialects, and grammatical rules of the language (opposite to the phenomenon of vowel harmony). Textual differences in poetic passages are common in many poems related to the social and spiritual life of the Turks. We can determine the place of the phonetic features of the language of the Turkic tribes in oral folk art.

Keywords: folklore, variation, phonetics, synonym, phoneme, vocabulary, dialect, tribe.

Аннотация: «Дивану лугати-т-тюрк» Махмуда Кашгари – один из наиболее ценнейших древних источников содержащий образцы тюркской устной

поэзии сохранившихся до наших дней. Стихи приведенные в произведении разделены на более чем десяток групп по охвату тем. К ним мы можем отнести стихи о войне, панднаме, любовные стихи, стихи, посвященные описанию природы, фрагменты, посвященные описанию охоты, отрывки из дастана, стихи, посвященные обрядам и алкавы. Эти темы, воспеты в тюркской литературной среде, развивались по-разному в зависимости от обширного региона, в котором они находились.

Образцы фольклора, в связи с тем что они распространены на обширной территории, могут быть изменчивы, а это означает, что они не всегда находятся в стабильном состоянии. Другой аспект заключается в том, что фольклор постоянно адаптируется к изменениям языка. Эта ситуация также препятствует их стабильному состоянию. В частности, в этом можно убедиться, изучая различные формы единиц в диалектах, рассматривая на параллельной основе лингвистический анализ некоторых слов в поэтических отрывках и сравнивая варианты словесных единиц в источниках.

В статье исследуются текстуальные различия, т.е. явление варьирования встречающиеся в стихотворениях, цитируемых в «Дивани лугати-т-тюрк». Возникновение вариаций в устном народном творчестве тюркских народов обусловлено употреблением вариантных слов, фонетическими различиями в диалектах ($\ddot{u} > i$, $a > \ddot{i}$, $\ddot{a} > e$, $e > y$, $d = \delta$) и заменой одного слова или предложения на другое слово или предложение в другом.

Результаты анализа показывают, что устное творчество тюркских народов отражает фонетические различия диалектов, грамматических правил языка (противоположное явлению сингармонизма). Текстуальные различия в стихотворных отрывках особенно распространены в ряде стихотворений, связанных с общественной и духовной жизнью тюрков. Это служит для определения, в каком племени или диалекте использовались отрывки, и для определения места фонетических особенностей языка тюркских племен в устном народном творчестве.

Ключевые слова: фольклор, вариация, фонетика, синоним, фонема, лексика, диалект, племя.

Аннотация: Махмуд Кошгарийнинг «Девону лугати-т-турк» асари туркий озгаки шеърятнинг бугунги кунгача етиб келган энг қадимги намуналарини ўзида жамлаган қимматли манбалардан биридир. Асарда келтирилган шеърлар мавзу қўлами жиҳатидан жангномалар, панднома, севги-муҳаббат шеърлари, табиат тасвирига бағишланган шеърлар, воқеа ва ов тасвирига тасвирига оид парчалар, достон узиндиси, маросим шеърлари, алқовлар каби ўндан ортиқ гуруҳларга бўлинади. Туркий адабий муҳитда қуйланган бу мавзулар улар жойлашган кенг ҳудуд билан боглиқ ҳолда турлича ривожланди ва тараққий этди.

Халқ озгаки ижоди намуналари кенг минтақага ёйилгани боис ўзгарувчанлик хусусиятига эга, яъни улар доимо тургун ҳолатда бўлмайди. Яна бир жиҳати шуки, халқ озгаки ижоди тилдаги ўзгаришларга муттасил мослашиб боради. Бу ҳолат ҳам уларнинг тургун яшашига

қаришлик қилади. Хусусан, «Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда келган бирликларнинг мазмунни сақлаган ҳолда бошқа варианты – шевалардаги фарқли шаклини ўрганиш, шеърий узиндилардаги айрим сўзларнинг лингвистик таҳлилини параллелик асосида кўриб чиқиш ва сўз бирликларининг манбалардаги вариантларини солиштириш орқали бунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Мақолада «Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърларда учрайдиган матний тафовутлар, яъни улардаги вариация ҳодисаси тадқиқ этилган. Туркий халқлар оғзаки ижодида вариациянинг юзага келиши вариантдош сўзларнинг қўлланиши, лаҳжалардаги фонетик ўзгачаликлар ($\ddot{u} > i$, $a > i$, $\ddot{a} > e$, $e > u$, $d = \delta$) ҳамда шеърдаги бир сўз ёки жумланинг бошқа бир сўз ёки жумла билан алмашиши ҳодисалари билан боғлиқлиги очиб берилган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, туркий халқлар оғзаки ижодида лаҳжалардаги фонетик ўзгачаликлар, тилдаги грамматик қоидалар (сингармонизм ҳодисасига зид ҳолат) ўз аксини топган. Шеърий узиндиларда учрайдиган матний тафовутлар туркийларнинг ижтимоий ҳамда маънавий ҳаёти билан боғлиқ туркум шеърларда айниқса кўп учрайди. Бу ҳол парчаларнинг қайси қабила ёки шеваларда қўлланиши, туркий қабилалар тилидаги фонетик ўзгачаликларнинг халқ оғзаки ижодидаги ўрнини аниқлашга хизмат қилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: оғзаки адабиёт, вариация, фонетика, синоним, фонема, лексика, шева, қабила.

КИРИШ

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзлар маъносини очиклаш учун халқ оғзаки ижодидаги шеърий парчалардан намуналарни мисол тариқасида келтирган. Уларнинг умумий сони 253 та бўлиб, тўрттаси арабча, қолганлари туркий. Шундан 12 та туркий шеър икки мартадан такрор қўлланган. Айнан такрор қўлланилган шеърлар матнида эса ўзгаришлар бор. Асарда келтирилган аксарият халқ оғзаки ижоди намуналарида туркий тилнинг шеваларидаги фонетик фарқлари ҳам акс этган.

Туркий оғзаки шеъриятдаги вариация ҳодисаси тилдаги фонетик (Қаранг: Mahmudov Q., 2004) ва лексик омиллар билан боғлиқ. Қадимги туркий тил фонетикаси ва унинг ўзига хосликлари бўйича С.Е.Малов (Malov S.E., 1951), А.М.Шербак (Sherbak A., 1962; 1970), Н.А.Баскаков (Baskakov N.A., 1969; 1988), А.Н.Кононов (Kononov N.A., 1972) каби йирик туркий тил ва адабиёт тадқиқотчилари илмий изланишлар олиб боришган.

Юртимизда қадимги туркий тил фонетикаси ва лаҳжалардаги ўзига хосликлар Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров (Abdurahmonov G., Shukurov Sh.,

1973), У.Турсунов, Б. Ўринбоев (Tursunov U., O'rinboyev B., 1982), Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов (Abdurahmonov G., Rustamov A., 1982), Қ.Содиқов (Sodiqov Q., 2004; 2006; 2009/1; 2009/2) каби қатор олимлар тадқиқотларида акс эттирилган. Ушбу тадқиқотларда, асосан, туркий тил грамматикаси, хусусан, унинг фонетикаси бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Лаҳжалардаги фонетик ўзгачаликлар бўйича анча батафсил маълумот келтирилганига қарамай, уларда «Девону луғати-т-турк»даги шеърларда учрайдиган фонетик ва лексик фарқлар таҳлилга тортилмаган.

Ушбу мақола асарда келтирилган шеърлардаги вариация ва уни юзага келтирувчи омиллар таҳлилига бағишланади.

МЕТОД

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – «Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърларда мисолида туркий оғзаки ижод намуналаридаги вариация ҳодисаси ва уни юзага келтирган омиллар масаласини очиб беришдан иборат. Шу боис ушбу тадқиқотга Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари манба сифатида олинди. Тадқиқотда ушбу асардан танлаб олинган йигирмадан зиёд шеърий парча мисолида қадимги туркий оғзаки адабиётдаги вариация ҳодисаси таҳлилга тортилди. Тадқиқотни амалга оширишда киёсий, тавсифий, таҳлилий ва таснифий каби методлардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Вариация санъат, маданият, тилшунослик ва аниқ фанлар соҳасида кенг маънода қўлланилиб, маълум бир мажмуани ташкил қилувчи бирликлар ўртасидаги модификацион ёки генотипик фарқларни тушунтиради. Яъни, бу лотинча сўз бўлиб, «озгина ўзгариш», «оғиш» (<https://qomus.info>) маъноларини билдиради ва унинг ўзига хос қўлланиш доиралари мавжуд. Ушбу услубдан кенг равишда математик, молиявий ва статистик таҳлилларни шакллантиришда, шунингдек, мусиқа соҳасида бир мусиқий куйнинг ўзгариш босиқичларини солиштиришда фаол фойдаланилади.

Лингвистик вариация (Қаранг: Scott K.F., 2011:5-11; Janssen B, Burgoyne J. and Honing H., 2017:3-25) бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўрганилади. Хусусан, айрим сўзларда қўлланишига кўра индивидуал, минтақавий, миллий ва глобал даражада вариация ҳодисалари фарқланади. Фольклор намуналари, шеърий парчалар ва маълум

лингвистик таҳлилларда вариация усулидан самарали фойдаланилади.

Маълумки, халқ кўшиқлари турғун эмас, балки «оқим ҳолатида» яшайди. Бу, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодининг кенг минтақага ёйилгани билан изоҳланади. Туркий- тилнинг турли ўлкалардаги ўзига хосликлари (Қаранг: Avrutina A.S., 2015:8-9; Tugusheva L.Yu., 2001:19-31), шевалар халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Парчаларда вариация ҳодисаси, асосан, узинди таркибидаги сўзнинг синонимлари билан алмаштирилиши ҳамда фонетик ҳодисаларда (Фонетик ҳодисалар ҳақида қаранг: Axatov G.X., 1976:3-43; Biryukovich R.M., 1973:5-17; Jonas Eckmann, 2003:8-16; Mahmudov Q., 2004:15-27; Mudrak O.A., 2009:12-19; Qo‘chqortoyev I., Isabekov B., 1984:92-100; Reshetov V., Shoabdurahmonov Sh., 1978:20-43; Serebrennikov B.A., Gadjeva N.Z., 1986:10-25) намоён бўлади.

«Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда вариациянинг қуйидаги кўринишлари учрайди:

- (1) унли товушлар алмашинуви;
- (2) ундошлар алмашинуви;
- (3) вариантдош сўзларнинг қўлланиши;
- (4) бирор сўз ёки жумланинг бошқа сўз ёки жумла билан алмашиниши.

(1) Унли товушлар алмашинуви. Шеърларда энг кўп учровчи вариация бу шевага хос сўзларда унли товушларнинг ўзгариб талаффуз этилиши билан боғлиқ. Яъни котиб томонидан шеърий парчадаги бир сўзнинг шеваларга хос шаклини беришда унга иккита ҳаракат: фатҳа ва касра ёки касра ҳамда дамма қўйиб кетилган. «Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда $\ddot{u}>i$, $a>i$, $\ddot{a}>e$, $e>u$ каби унли товуш ўзгаришлари кузатилади.

$\ddot{u}>i$ ҳодисаси. Туркий тилдаги сингармонизм қоида­сига кўра (Қаранг: Sodiqov Q., 2017; 2019/1; 2019/2; Talat Tekin, 2000), сўзнинг биринчи бўғинида лабланган унли қатнашган бўлса, иккинчи бўғинда ҳам лабланган унли қатнашиши лозим. Аммо асарда келтирилган айрим парчаларда бу қоидага ҳилоф ўринлар мавжуд:

أَرَنَ أَلْبَى أَقْشَيْتِلَارْ	Erän alpî oqıştılar,
قَنْجَرُ كُوزُنْ / كُوزُنْ بَقْشَيْتِلَارْ	Qñjır közün/közin baqıştılar,
قَمُغْ تَلْمُنْ تَقْشَيْتِلَارْ	Qamuğ tolmun toquştılar,
قَلِجْ قَنْقَا كُچُنْ سِغْدِی	Qiliç qınqa kücün siğdi.

Мазмуни: Йигитлар бир-бирларини чақиришди, бир-бирларига қинғир кўз билан ўқрайиб қарашди. Ҳар хил жанг қуроллари билан урушдилар.

(Қиличнинг юзи қон билан қалинлашиб), қинига аранг сиғди (Mahmud Koshg‘ariy, 2017:86).

Яна бир ўринда эса муаллиф шеърнинг фақат *közin* сўзининг ўзи келган шаклини ҳам келтиради:

أَرَنَ أَلْبَى أَقْشَيْتِلَارْ	Erän alpî oqıştılar,
قَنْجَرُ كُوزُنْ بَقْشَيْتِلَارْ	Qñjır közin baqıştılar,
قَمُغْ تَلْمُنْ تَقْشَيْتِلَارْ	Qamuğ tolmun toqıştılar,
قَلِجْ قَنْقَا كُچُنْ سِغْدِی	Qiliç qınqa kücün siğdi (Mahmud Koshg‘ariy, 2017:145).

Мисоллардан кўринадики, асоси олд қатор, тор, лабланмаган унлидан ташкил топган сўзларга, олд қатор, кенг, лабланган унли қўшимча қўшиш қоида­си қадимги туркий тил давридаёқ мавжуд эди. Бун кўпроқ туркий тил лаҳжаларидаги ўзига хосликлар билан боғлаш тўғри бўлади.

Яна бир ўринда *yumittî* – «тўпланди» сўзи мисолида ҳам юқоридаги қоидага гувоҳ бўламиз. Фақат бу ўринда [u] фонемасининг [i] га алмашиниши сўз асосида юзага келмоқда:

قُلَانْ تۈگَالْ قۈمۈتۈتۈ	Qulan tügäl qumuttî,
أَرَقَارْ سَقَقْ يۈمۈتۈتۈ / يۈمۈتۈتۈ	Arqar, soqaq yumuttî/yumittî.
يۈيلاغْ تۈپا اۋمۈتۈتۈ	Yaylağ tapa emitti,
تۈزۈك تۈرۈپ سۈكۈرۈشۈر	Tizgîq turup sekräşür.

Мазмуни: Кўк­лам қулон, кийикларни ҳаяжонга солди, тоғ эчкилари ва кийикларни тўплади, улар яйловларга майл қилдилар. У ерларда шодликдан саф тортиб, сакрашиб ўйнамоқдалар (Mahmud Koshg‘ariy, 2017:96).

Яна бир мисол:

سۈندۈ قۈچۈر سۈندۈلاچ	Sendä qaçar sundılaç,
مۈندۈ تۈنۈر قۈرۈلاچ	Mendä tinar qarğılaç.
تۈتلۈگْ اۋتۈر سۈندۈواچ	Tatluğ/tatliğ ötär sanduvaç,
اۋرۈك تۈشۈ اۋچۈرۈشۈر	Erkäk-tişî uçraşur (Mahmud Koshg‘ariy, 2017:207).

$a>i$ ҳодисаси. Кошғарий сўзларни изоҳлар экан, ўрни билан туркий лаҳжалардаги ўзига хосликлар тўғрисида ҳам маълумот бериб кетади. *Butaq* сўзини келтирар экан, унинг *butiq* шакли ҳам шеваларда мавжудлигини айтиб ўтади: *Butaq/butiq* – буток; бир шевада. Бу сўздаги *tā* ҳарфининг *fatħa* ли ўқила­диган тури бўлганидек, *kasra* ли ўқила­диган тури ҳам бор [яъни *butiq* ва *butaq* тарзидаги талаффузлари] (Mahmud Koshg‘ariy, 2017:152). Бу қоида асарга киритилган узиндилар ичидаги сўзлар ҳам фаол қўлланганини кўриш мумкин. Мисол учун:

تَغُور مَنِیْ سَافَمْنِیْ بِلْگَالِکَا أَيْ	Tegür meniñ sawımnı bilgälikä ay,
تِنُور قَالِیْ اَتَاتْسَا / اَتِیْتْسَا قِسْرَاقْ سَنَیْ تَائِیْ	Tınur qalī atatsa / atıtsa, qısrāq sanı tay.

Мазмуни: Менинг сўзимни етказ, ақллиларга айтгин, агар той боласи от бўлса, отлар қаторига кирса, байтал тинади (Mahmud Koshg'ariy, 2017:94).

Ушбу парчадаги *atatsa* ва *atıtsa* сўзлари фақатгина шакл жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Ҳар иккала шаклнинг маъноси «от бўлса»дир.

ā>e ҳодисаси. Қадимги туркий тилда ёрик [e] унлиси мустақил фонема эсам, балки [ä] нинг фонетик варианты сифатида амал қилган: [ä]~[e] (Sodiqov Q., 2009/1:113). Ҳудди шу коидани биз «Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда ҳам кузатамиз. Асардаги узиндилардан маълум бўладики, олд қатор, «ингичка», кенг, лабланмаган [ä] унлиси билан бир қаторда [e] товуши ҳам параллел қўлланилган.

Мисол учун:

كَلْسَا اَبَنُكْ تَرْكَنِیْمْ	Kelsä apan tärkänim / terkänim,
اَتِلْگَا-مَاتْ تَوْرْكُونِیْمْ	Etilgä-mät törkünim.
يَا دِلْمَاغَايْ تَرْكَنِیْمْ	Yađılmağay terkinim,
اَمْدِیْ چَرِكْ چَرْگَاشُورْ	Emdi çerig čergäšür .

Шоир ёвни таърифлаб айтмоқдаки: Биз шовқин-сурон билан ёв устига ҳужум қиламиз, қалқон ва найза билан зарба берамиз, урамиз, юзма-юз келганда аямаймиз, кейин ярашиш сўралса, тўхтаймиз. Шундай қилсак, қаттиқ ёв юмшайди (Mahmud Koshg'ariy, 2017:176).

Тил тараққиётининг кейинги босқичида [e] фонемаси устунлик қилган бўлса-да, бугунги кунга қадар [ä] фонемасини сақлаб қолган туркий элатлар мавжуд.

e>y ҳодисаси. Турклардаги сўз бошида келувчи [y] ўғуз ва кипчоқларда тушиб қолади ёки [j (~č)] га айланади: *yelkin* – *elkin* «мусофир», *yiliğ suw* – *iliğ suw* «илиқ сув» (Sodiqov Q., 2009/1:62). Маҳмуд Кошғарий ўз асарида буни қуйидагича келтиради: *ilig* – илик (ўғузча); бошқа бир туркларда *yilig* дейдилар. Ўғузчадаги *alif* ҳарфи ўрнига *yā* ҳарфи алмашган (Mahmud Koshg'ariy, 2017:42). Буни қуйидаги парча мисолида ҳам кўриш мумкин:

اَوْتْرُكْ اُتُونْ اَوْغْرِیْ لُیُو یُزْكَآ بَقَارْ	Ötrük utun oğrīlayu yūzkā baqar,
اَلْکِنْ تَشُبْ بِرْمِشْ اَشْغْ بَشْرَا قَقَارْ	Elkin tüšüp bermiş aşığ bašra qaqar.

Мазмуни: Эрларнинг хийлакори, пасти, бахили қолди, меҳмон унинг олдида ўғридек кўринади, мусофир меҳмонга ейдиган нарсасини миннат қилиб, берган нарсаси билан меҳмоннинг бошига уради (қоқади) (Mahmud Koshg'ariy, 2017:54).

Ушбу парчадаги *elkin* сўзи бошқа узиндиларда *elkin* шаклида қўлланган. Мисол учун:

يَلْکِن بولُپ بَرْدُقِیْ	Yelkin bolup barduqı,
کَنْکَلْمْ اَنَارْ بَاغْلَايُ	Könlüm anar bağlayu.
قَلْدِمْ اَرِنِچْ قَادْغُوقَا	Qaldım erinç qadğuqa,
اِشْمْ اَدُو یِغْلَايُ	İşim udu yığlayu (Mahmud Koshg'ariy, 2017:428).

Шеърый узиндилардаги бир сўзнинг икки хил шаклда ишлатилиши парчанинг қайси ҳудуддан ёзиб олингани бўйича хулоса чиқаришга ёрдам беради.

(2) *Ундош товушлар алмашинуви*. Асардаги узиндиларда ундош фонемаларнинг ўзгариши бу, асосан, туркий қабилалар ўртасидаги фонетик ўзгачалик асосида юзага келган.

Қадимги туркий тилга [d] лашиш хос; [y] ёки [g] лашиш нисбатан кам учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида [y] ёки [g] билан келган сўзлар қадимги ёдгорликларда [d] билан айтилган. XI–XIV асрларда қадимги [d] билан ёнма-ён [δ] ҳам қўлланилган. «Чигатой туркийси» давридан бошлаб [y] ёки [g] га айланди (Sodiqov Q., 2009/1:126). Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи туркий лаҳжалар ҳақида маълумот келтира туриб, [δ] ли сўзларни қўллашда диалектлар ўртасидаги учта турни келтириб ўтган:

1. Биринчи турга *zā* ни *yā* га алмаштириб, ҳеч маҳал [δ] билан сўзламайдиган *yag 'ma, tuxsı, qiwčaq, yabaqu, tatar, qay, čumul* ва *oğuz* лар киритилган.

2. Иккинчиси фақат тиш-тиш [δ] билан сўзловчилар. Бу турга *čigil* ва бошқа туркий қабилалар киритилади.

3. *Qiwčaq, yāmāk, suvar, bulğar* ҳамда русларга ва *Rūm* га қадар бориб тарқаладиган бошқа қабилаларда *zā* га алмаштирилади (Mahmud Koshg'ariy, 2017:26).

4. [d] билан ёнма-ён [δ] нинг қўлланилишини биз қуйидаги парчада кўришимиз мумкин:

5.

کَلْدِیْ اَسْنِیْوْ	Keldi esin esnāyü,
قَاذْقا تُوْغَالْ اُسْنَايُ	Qađqa tüğāl üsnāyü.
کِرْدِیْ بَدْنِ قُسْنَايُ	Kirdi bodun qusnayu,
قَرَا بُلِیتْ کُورْشُورْ	Qara bulit kökräšür.

Мазмуни: Шамол эсиб келди. Бу (ел) совурадиган бўронга ўхшайди. Халқ совукдан титради, қора булутлар гулдиради (Mahmud Koshg'ariy, 2017:275).

Ушбу парча яна бир ўринда қайтарилганда эса, *bodun* сўзи *bodun* шаклида ёзилган:

كەلدى اسن اسنىو	Keldi esin esnāyü,
قازقا تۈگال ۋىسنىو	Qaḍqa tügäl ösnāyü.
كردى بدن قسنىو	Kirdi <i>bodun</i> qasnayü,
قرا بليت ككرشور	Qara bulit kökräšür (Mahmud Koshg'ariy, 2017:373).

Муаллиф бу қоида ҳақида қуйидаги мисолда маълумот бериб ўтган: *اَغُز* *ağuz* – оғиз, оғиз сути. Бу сўз охиридаги товуш *zā* билан ёки *žā* билан ёзилиши мумкин (Mahmud Koshg'ariy, 2017:36).

(3) *Вариантдош сўзларнинг қўлланиши*. Вариациянинг бу турида кўпроқ халқ ичида маълум қабилага хос сўзларнинг қўлланилиши ёки бир сўзнинг бошқа айнан шу маънодаги бошқа сўз ёки жумла билан алмашилиб келишида кўриш мумкин.

Қуйидаги парчада *tüslätti* сўзининг *tüslänür* ҳамда *tüš qilur* каби бир хил маъноларни англатувчи икки хил шакли қўлланилган: *u* унлилари ёрдамида сўз маъносида ўзгариш юз берганини кўриш мумкин:

اقتۇرۇر كۆزۈم يولاق	Aqturur közüm yolaq,
تۈسلنۈر ۋىسنىو	<i>Tüslänür</i> ördäk, yuḡaq.

Маъноси: Кўзларимнинг ёши булоқ сингари оқади, хатто унда ўрдак каби сув қушлари йиғилади, шўнгишади (Mahmud Koshg'ariy, 2017:99).

اقتۇرۇر كۆزۈم يولاق	Aqturur közüm yulaq.
تۈش قىلۇر ۋىسنىو	<i>Tüš qilur</i> ördäk, yuḡaq.

Маъноси: Кўзимдан оққан ёш сувлари жилғаларга айланмоқда. Унда ўрдак ва бошқа сув қушлари қўнаётир (Mahmud Koshg'ariy, 2017:329).

Қуйида келтирилган парчаларнинг сўнгги мисрасидаги *yazğali-mat* ҳамда *yazlip yana* сўзларининг ҳам маъносида катта ўзгариш йўқ. Ҳар иккаласи ҳам «ёзилишга яқин», «ёзилмоқ» маъноларини англатишга хизмат қилмоқда:

تەگمە چەچەك ۋىسنىو	Tegmā čečäk öküldi,
بۇقۇلانپ بۈكۈلدى	Buquqlanip бүкүлдү.
تۈگسۈن تۈگۈن تۈگۈلدى	Tügsin tügün түгүлдү,
يەزغالىمەت يۈرگۈشۈر	<i>Yazğali-mat</i> yörgäšür.

Шоир ёзни тасвирлаб айтмоқда: Гуллар кўпайди, гул ғунчалари гўё бурчакли тугунларга ўхшаб, бир-бирига ўралиб кетган, ғунча ёрилишга яқин туради (Mahmud Koshg'ariy, 2017:174).

تەگمە چەچەك ۋىسنىو	Tegmā čečäk öküldi,
بۇقۇلانپ بۈكۈلدى	Buquqlanip бүкүлдү.
تۈگسۈن تۈگۈن تۈگۈلدى	Tügsin tügün түгүлдү,
يەزلىپ يەنە يۈرگەشۈر	<i>Yazlip yana</i> yörgäšür (Mahmud Koshg'ariy, 2017:296).

(4) *сўз ёки жумланинг алмашилиши*. «Девону луғати-т-турк»да келтирилган узиндилардаги вариация ҳодисаси фақат товушларнинг фонетик ўзгачаликларидан иборат эмас. Бир ўриндаги сўз ёки жумла бошқа ўринда унинг синоними ёки бошқа жумла билан алмашади. Бу шеърый матн ёзиб олинган минтақа билан боғлиқ ҳолда юзага келган, дейиш мумкин. Чунки муаллифнинг ўзи асар бошида халқ оғзаки ижоди намуналарини турли қабилалар ичидан териб олганини баён этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шеърлар кенг минтақага ёйилганда, фонетик ва лексик ўзгаришларга учраган. Мисол учун қуйидаги номаълум қахрамон хотирасига бағишланган парчада бунга гувоҳ бўламиз:

اَردى آشۈن تاتۇرغان	Erdi aşin taturğan,
يەقۇلۇق يەغۈق قەچۇرغان	Yawlaq yağıḡ qacurğan.
اَغراق سۈسۈن قەيتارغان	<i>Oğraq süsin</i> qaytarğan,
بەستى ۋىسنىو	Bastī ölüm axtaru.

Мазмуни: Бир кишининг ўлимига ачиниб айтмоқда: У қўноқларга, яхшиларга ош-овқат тутадиган, ёвни қочирадиган, *Oğraq* қўшинини баҳоқирлиги билан қайтариб юборадиган эди. (Афсус) ўлим уни ерга ётқизди (Mahmud Koshg'ariy, 2017:203).

Бошқа ўринда эса бу узинди қуйидагича келади:

اَردى آشۈن تاتۇرغان	Erdi aşin taturğan,
يەقۇلۇق يەغۈق قەتارغان	Yawlaq yağıḡ qatarğan.
باين توتوب قەديرغان	<i>Boynin tutup</i> qadīrğan,
بەستى ۋىسنىو	Bastī ölüm aḡtaru (Mahmud Koshg'ariy, 2017:229).

Ушбу узиндиларда вариация ҳодисасини, даставвал, *qacurğan* ҳамда *qatarğan* сўзлари ҳосил қилмоқда. Биринчи парчадаги *yawlaq yağıḡ qacurğan* мисраси – «кучли душманни қочирадиган» маъносида; иккинчи ўриндаги *yawlaq yağıḡ qatarğan* – «кучли душманни қайтарадиган» маъносида келмоқда. Бу ўринда иккала сўз ўзаро синонимлик ҳосил қилмоқда, яъни «кучли душманни узоқлаштирувчи» маъносида.

Ушбу парчаларнинг учинчи мисрасида шаклан тамоман бошқа-бошқа «душманни енгувчи», «ёв устидан ғалаба қозанувчи» маъноларидаги *Oğraq süsin qaytarğan* – «Оғрақ кўшинини қайтарадиган» ҳамда бошқа ўринда *boynin tutup qadirğan* – «бўйинини тутиб қайирадиган» жумлаларидан фойдаланилган. Асарга марсиянинг бошқа бўлаклари киритилмаган. Бундан тахмин қилиш мумкинки, узиндида алпнинг Оғрақ кўшини билан бўлган жангдаги қахрамонлиги ҳақида сўз юритилмоқда. Шу боис иккинчи парчада ҳам халқ ичида кенг истеъмолда бўлган.

Қуйидаги панднома рухдаги парчада *kelsä* ҳамда *külsä* сўзлари вариация ҳосил қлмоқда:

كُلسَا كِشِي اَتْمَا اَنَار اَوْتَار كُلا	<i>Kelsä kiši atma aṇar örtär külä,</i>
بَقْقِيل اَنَار اَدْغُولُغُون اَغْزِين كُلا	<i>Baqqil aṇar eḍgülügün aḡzīn külä.</i>

Мазмуни: Сенга кулар юзли бир киши келса, сен унинг юзига иссиқ – қайноқ кул сочма, яхшилик қил, хуш муомала бўлиб хурматла (*Mahmud Koshg'ariy*, 2017:65).

كُلسَا كِشِي اَتْمَا اَنَار اَوْتَار كُلا	<i>Külsä kiši atma aṇar örtär külä,</i>
بَقْقِيل اَنَار اَدْغُولُغُون اَغْزِين كُلا	<i>Baqqil aṇar eḍgülügün aḡzīn külä.</i>

Мазмуни: Кишини ўзингга қараган ҳолда кўрсанг, яъни биров сенга кулиб боқса, сен унинг юзига куйдирадиган иссиқ кул сочма, сен ҳам кулиб боқ, яъни яхшиликка яхшилик қил, дейилади (*Mahmud Koshg'ariy*, 2017:216).

Асарда айрим парчалар бир ўринда иккилик, бошқа ўринда тўртлик шаклда келади. Ўз ўрнида парчанинг тўртлик шаклда қайтарилганида мазмунида ҳам ўзгариш юз беради:

بَرْدِي اَرَنْ قُونُقْ كَرْبُ قَتَقَا سَقَارْ	<i>Bardī erān qonuq kōrüp, qutqa saqar,</i>
قَالْدِي يَافُزْ اَبْنُ كَرْبُ اَقْنِي يَفَارْ	<i>Qaldī yawuz oyūq körüp, ewni yīqar.</i>

Мазмуни: Меҳмонни давлат ва барака деб биладиганлар ўлиб кетди, саҳроларда кўринган қораларни ва манзилларни белгилаш учун қўйилган тошларни кўриб, одам деб ўйлаб, у келиб қўниб қолмасин, деб чодирини бузувчиларгина қолди (*Mahmud Koshg'ariy*, 2017:47).

بَرْدِي اَرَنْ قُونُقْ	<i>Bardī erān qonuq,</i>
بُلْبُ قَتَقَا سَقَارْ	<i>Bulup qutqa saqar.</i>
قَالْدِي اَلِيْغْ اَبْنُ	<i>Qaldī aliğ abnu,</i>
كَرْبُ اَقْنِي يَفَارْ	<i>Körüp ewni yīqar.</i>

Мазмуни: Меҳмонни бахт деб билувчи эрлар ўтиб кетди. Шарпани сезса, кириб қолмасин, дея чодирини бузадиганлар қолди (*Mahmud Koshg'ariy*, 2017:154).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Девону луғати-т-турк»да келтирилган узиниларда вариация ҳодисаси унли ва ундош товушлар алмашилиши, жумлалар таркибида вариантдош сўзларнинг қўлланилиши, сўз ёки мисраларнинг бошқа сўз ёки мисра билан алмашилиши асосида вужудга келган.

НАТИЖА

Шеърларнинг турли вариантларда тарқалиши туркий халқлар эстетик дидининг нечоғлиқ бой экани, уларнинг азалдан сўз санъатига алоҳида меҳр билан қарагани, бадий ижодда шарқ халқлари орасида етакчи ўринни эгаллаганини англатиб туради. Ўша давр адабиётида оддий эпизодлар ҳам юксак бадий савияда тўқилган бўлиб, аждодларимизнинг сўзга чечанлиги, билдирилаётган фикрлар бадий тарзда ифода этиш маҳорати устун бўлганини намоён этади.

Туркий оғзаки ижод нмуналарида вариация ҳодисаси бевосита тилдаги лаҳжалар, грамматика қоидалар асосида шаклланган бўлиб, «Девону луғати-т-турк»даги шеърларда вариация ҳодисасини тадқиқ этиш парчаларнинг қайси қабила ёки шеваларда қўлланилиши, туркий қабилалар тилидаги фонетик ўзгачаликларнинг халқ оғзаки ижодидаги ўрнини аниқлашга хизмат қилади.

Узиндилар таркибидаги вариация ҳодисаси тадқиқи қабилалар тили ўртасидаги фонетик ўзгачаликлар, сўз қўллаш билан боғлиқ фарқларнинг халқ оғзаки ижодидаги ўрни тўғрисида хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Шеър таркибидаги бир сўзнинг лаҳжага оид иккинчи шаклини ҳам келтириб ўтиш орқали, муаллиф ўқувчига шеърнинг қайси қабилалар ўртасида кенгрок истеъмолда бўлгани ҳақида маълумот бериб ўтади.

ХУЛОСА

Туркий халқлар адабий тафаккури шаклланишида ушбу халқлар яшаган муҳит ҳамда ҳудуднинг аҳамияти катта. Бу ўринда уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари билан боғлиқ ҳолда

халқнинг дастлабки оғзаки адабий ижоди пайдо бўлди. Туркий халқ оғзаки шеърятини ўрганиш, уларни тўғри талқин қилиш масалалари бугунги ёзма адабиёт тарихи ва унинг манбаларини тўғри тушунишга ёрдам беради. Энг асосийси, ўтмиш адабиёти, ота-боболаримизнинг бой бадиий тафаккурини очиб беришга хизмат қилади. Бунда биз Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарини халқ оғзаки шеърятини ўзида жамлаган энг қадимги манба сифатида кўришимиз мумкин.

«Девону луғати-т-турк»даги парчаларда учрайдиган вариация ҳодисасини унли ва ундош товушлар алмашинуви, вариантдош сўзларнинг қўлланилуви ҳамда сўз ёки мисраларнинг бошқа сўз ёки мисра билан алмашилиши ҳосил қилади. Бу эса халқ поэтик ижодининг ривожланиш босқичлари бўйича муҳим назарий хулосалар чиқариш учун асос бўлади. Матний тафовутларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарида кенг учраши шеърларнинг ҳудудлараро кенг ёйилгани, халқ шеърятининг ўта ривожланганини англатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аврутина А.С. (2015) Статистическая структура османского и турецкого текста // Языки и литературы тюркских народов. Международная научная конференция, посвященная 180-летию создания кафедры тюркской филологии Санкт-Петербургского государственного университета Сборник тезисов выступлений. – Санкт-Петербург, 2015. – С. 8-9.
2. Ахатов Г.Х. (1976) «Местные диалекты - надежный источник для сравнительно-исторического изучения языков» // Вопросы диалектологии тюркских языков. – Б., 1976.
3. Баскаков Н.А. (1969) Введение в изучение тюркских языков. – М.: Высш. школа, 1969.
4. Баскаков Н.А. (1988) Историко-типологическая фонология тюркских языков. – М.: Наука, 1988.
5. Бирюкович Р.М. (1973) Звуковой строй среднечулымского диалекта чулымско-тюркского языка. – Т.: ТомГУ, 1973.
6. Исхаков М. (2008) Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Т., 2008.
7. Кононов А.Н. (1972) История изучения тюркских языков в России [Текст]: Дооктябрьский период. – Л.: Наука, 1972.
8. Малов С.Е. (1951) Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л.: Академия наук, 1951.
9. Мудрак О.А. (2009) Классификация тюркских языков и диалектов с помощью методов глоттохронологии на основе вопросов по морфологии и исторической фонетике. – М.: РГГУ, 2009.
10. Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. (1986) Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. – М.: Наука, 1986.
11. Тугушева Л.Ю. (2001) Раннесредневековый тюркский литературный язык: словесно-стилистические структуры. – Санкт-Петербург, 2001.
12. Щербак А. (1962) Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Академия наук, 1962.
13. Щербак А. (1970) Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука, 1970.
14. Janssen B, Burgoyne J. and Honing H. (2017) Predicting Variation of Folk Songs: A Corpus Analysis Study on the Memorability of Melodies // Front. Psychol. 8:621. – United Kingdom: Queen Mary University of London, 2017.
15. Ssott K.F. (2011) *Linguistic Variation and Change*. – Edinburgh University Press, 2011.
16. Eckmann, Jonas. (2003) Harezmi, Kıpçak ve Çağatay Türkçesi Üzerine Araştırmalar. Yayına Hazırlayan O.F. Sertkaya. – А., 2003.
17. Talat Tekin (2000) Orhon Türkçesi Grameri. – А., 2000.
18. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. (1982) Қадимги туркий тил. – Т., 1982.
19. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. (1973) Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973.
20. Маҳмуд Кошғарий (2017) Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.П.Содиқов. – Т.: Гафур Ғулом, 2017.
21. Маҳмудов Қ. (2004) Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т., 2004.
22. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. (1978) Ўзбек диалектологияси. – Т., 1978.
23. Sodiqov Q. (2009/1) Turkiy til tarixi. – Т.: ToshDSHI, 2009.
24. Содиқов Қ. (2004) Қўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Т.: ТошДШИ, 2004.
25. Содиқов Қ. (2006) Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилининг юзага келиши ва тикланиши. – Т.: ТошДШИ, 2006.
26. Содиқов Қ. (2009/2) Эски туркий ёзувлар. – Т.: ТошДШИ, 2009.
27. Содиқов Қ. (2017) Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т.: ТошДШИ, 2017.
28. Турсунов У., Ўринбоев Б. (1982) Ўзбек адабий тили тарихи. – Т., 1982.
29. Кўчқортеев И., Исабеков Б. (1984) Туркий филологияга кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1984.
30. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-v/variatsiya-uz/>

REFERENS

1. Avrutina A.S. (2015) Statisticheskaya struktura osmanskogo i turetskogo teksta // Yaziki i literaturi tyurkskix narodov. Mejdunarodnaya nauchnaya konferensiya, posvyashennaya 180-letiyu sozdaniya kafedri tyurkskoy filologii Sankt-Peterburgskogo gosudarstvennogo universiteta Sbornik tezisev vistupleniy. – Sankt-Peterburg, 2015. – S. 8-9.
2. Axatov G.X. (1976) Mestnie dialekti – nadejniy istochnik dlya sravnitelno-istoricheskogo izucheniya yazikov // Voprosi dialektologii tyurkskix yazikov. – Б., 1976.

3. Baskakov N.A. (1969) Vvedenie v izuchenie tyurkskix yazikov. – M.: Vissh. shkola, 1969.
4. Baskakov N.A. (1988) Istoriko-tipologicheskaya fonologiya tyurkskix yazikov. – M.: Nauka, 1988.
5. Biryukovich R.M. (1973) Zvukovoy stroy srednechulimskogo dialekta chulimsko-tyurkskogo yazika. – T.: TomGU, 1973.
6. Isxakov M. (2008) Sentralnaya Aziya v sisteme mirovoy pismennoy kultury. Drevnost i rannee srednevekovye. – T., 2008.
7. Kononov A.N. (1972) Istoriya izucheniya tyurkskix yazikov v Rossii [Tekst]: Dooktyabrskiy period. – L.: Nauka, 1972.
8. Malov S.E. (1951) Pamyatniki drevnetyurkskoy pismennosti. – M-L.: Akademiya nauk, 1951.
9. [Mudrak O.A.](#) (2009) Klassifikatsiya tyurkskix yazikov i dialektov s pomoshyu metodov glottoxronologii na osnove voprosov po morfologii i istoricheskoy fonetike. – M.: RGU, 2009.
10. Serebrennikov B.A., Gadjieva N.Z. (1986) Sravnitelno-istoricheskaya grammatika tyurkskix yazikov. – M.: Nauka, 1986.
11. Tugusheva L.Yu. (2001) Rannesrednevekoviyy tyurkskiy literaturniy yazik. Slovesno-stilisticheskie strukturi. – Sankt-Peterburg, 2001.
12. Sherbak A. (1962) Grammatika starouzbekskego yazika. – M-L.: Akademiya nauk, 1962.
13. Sherbak A. (1970) Sravnitel'naya fonetika tyurkskix yazikov. – L.: Nauka, 1970.
14. Janssen B, Burgoyne J. and Honing H. (2017) Predicting Variation of Folk Songs: A Corpus Analysis Study on the Memorability of Melodies // Front. Psychol. 8:621. – United Kingdom: Queen Mary University of London, 2017.
15. Scott K.F. (2011) *Linguistic Variation and Change*. – Edinburgh University Press, 2011.
16. Eckmann, Jonas. (2003) Harezmi, Kıpçak ve Çağatay Türkçesi Üzerine Araştırmalar. Yayına Hazırlayan O.F. Sertkaya. – A., 2003.
17. Talat Tekin (2000) Orhon Türkçesi Grameri. – A., 2000.
18. Abdurahmonov G'., Rustamov A. (1982) Qadimgi turkiy til. – T., 1982.
19. [Abdurahmonov G'.](#), [Shukurov Sh.](#) (1973) O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. – T., 1973.
20. Mahmud Koshg'ariy (2017) Devonu lug'ati-t-turk [Turkiy so'zlar devoni]. Nashrga tayyorlovchi: Q.P.Sodiqov. – T.: G'afur G'ulom, 2017.
21. Mahmudov Q. (2004) O'zbek tilining tarixiy fonetikasi. – T., 2004.
22. [Reshetov V.](#), [Shoabdurahmonov Sh.](#) (1978) O'zbek dialektologiyasi. – T., 1978.
23. Sodiqov Q. (2009/1) Turkiy til tarixi. – T.: ToshDSHI, 2009.
24. Sodiqov Q. (2004) Ko'k turk bitiglari: matn va uning tarixiy talqini. – T.: ToshDSHI, 2004.
25. Sodiqov Q. (2006) Turkiy yozma yodgorliklar tili: adabiy tilning yuzaga kelishi va tiklanishi. – T.: ToshDSHI, 2006.
26. Sodiqov Q. (2009/2)) Eski turkiy yozuvlar. – T.: ToshDSHI, 2009.
27. Sodiqov Q. (2017) Matnshunoslik va manbashunoslik asoslari. – T.: ToshDSHI, 2017.
28. [Tursunov U.](#), [O'rinboyev B.](#) (1982) O'zbek adabiy tili tarixi. – T., 1982.
29. Qo'chqortoyev I., Isabekov B. (1984) Turkiy filologiyaga kirish. – T.: O'qituvchi, 1984.
30. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-v/variasiya-uz/>